

2025-yil
16-avgust
shanba
№101
(5165)

YURT TARAQQIYOTI YO'LIDA BIRLASHAYLIK!

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqqan boshlagan

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri



Darë

Бир дарë шарқираб кирди Ватанга,
Бир азим чинордек силкинди тоғлар.
Нур кирди тонгелари ҳазин қўргонга,
Мудроқ уйқулардан уйғонди боғлар.

Бир дарë шарқираб кирди Ватанга,
Дашту далаларда чўғланди баёт.
Тўлқинлар денгиздек ҳайқирган онда,
Қадим Ўзбекюртда қайнади ҳаёт.

Бир дарë шарқираб кирди Ватанга,
Сайхундан, Жайхундан қудратли гулу.
Аллона куч берди ёвқур Туронга,
Довқур Туркистонни бирлаштирди у.

Бир дарë шарқираб кирди Ватанга,
Бугун гуллаётир ҳатто тошимиз.
Ҳар гуёҳ, ҳар чечак, ҳар бир чаманга
Дарë бўлаётир Карвонбошимиз.

Бир дарë шарқираб кирди Ватанга,
Ҳазрат Бухорийлар дуоси шулдир.
Ватандош, борингни баҳиш эт Ватанга,
Ватанни оқ-оппоқ гулларга тўлдир.

Бир дарë шарқираб кирди Ватанга,
Намхуш новдаларда куртаклар қатор.
Учинчи Ренессанс – мовий гулшанда,
Бойчечак кўтариб жилмайди баҳор.

Бир дарë шарқираб кирди Ватанга,
Кўнгул боғларига юлдузлар қўнди.
Кўкка қўл узатган Ўзбекистонга
Қуёш ҳам айро нур сочмоқда энди.

Бир дарë шарқираб кирди Ватанга –
Тоабод шовуллаб тургай энди у.
Улуғ Туркистонда – буюк Туронда
Тахтимиз мангудир, бахтимиз мангу.


Абдусайд КҲЧИМОВ
14.08.2025 йил



МЕЗОН – МЕҲНАТ ВА ИНСОН ҚАДРИ, МАҚСАД – ҲИМОЯ ВА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ

Тармоқ касба уюшмалари Қурултойлари ўз ниҳоясига етди

2-3-4-саҳифаларда ўқинг...



www.ishonch.uz

www://

ishonch1991@yandex.uz



facebook.com/ishonchofficial.uz



https://t.me/ishonchuz_official



МЕЗОН – МЕҲНАТ ВА ИНСОН КАДРИ,



Дастлаб тармоқ ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси Асрор Эшонхўжаевнинг 2020 йил августидан 2025 йил августигача бўлган фаолият ҳақидаги ҳисоботи тингланди. Таъкидланишича, аъзолик афзалликларининг янги шаклларини ишлаб чиқиш ҳамда иқтисодийнинг нодавлат сектори ходимларини касаба уюшмаларига кенгроқ жалб этиш орқали ҳисобот даврида 236 та ташкилотда меҳнат қилаётган 17219 нафар ходим аъзоликка қабул қилинди. Натижада бошланғич ташкилотлар сони 404 тага етди, улардаги касаба уюшмаси аъзолари сони 85533 нафарни ташкил этди. Бу эса 2020 йилга нисбатан 28,5 фоиз ўсиш демакдир.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг комплекс интеграллашган ахборот тизими(*kiat.kasaba.uz*)га соҳада фаолият юритаётган корхона, ташкилот ва муассасаларнинг жамоа шартномалари босқичма-босқич жойлаштирилди.

Муносиб иш ҳақи билан таъминлаш, айниқса, ижтимоий ҳимояга муҳтож ходимларни Тармоқ жамоа келишувлари ва шартномалари орқали қўшимча моддий қўллаб-қувватлаш натижадада ўртача ойлик маош миқдори йил сайин ортиб бордини.

Ёшлар, аёллар ва меҳнат бозорида рақобат имконияти чекланган шахсларни иш билан таъминлаш, янги ва қўшимча иш ўринларини яратиш, аҳолига сифатли ва қулай алоқа хизматини кўрсатувчи кичик ҳамда ўрта бизнесни ривожлантириш бўйича ҳар қандай ташаббус ва тадбиркорлик фаол қўллаб-қувватланди.

Шу билан бирга, ходимларнинг ҳуқуқий са-

вадхонлиги ва маданиятини ошириш, қабул қилинган қонун ҳужжатларини тарғиб қилиш ишларига алоҳида эътибор қаратилди.

Бошланғич касаба уюшмаси кўмиталари ва меҳнат низолари комиссияси аъзолари учун 15 дан ортиқ қўлланма (брошюра, йўриқнома, тушунтириш ва эслатма) тайёрланди.

Тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгаши томонидан соҳа ходимларининг 157 та ёзма ва 300 та оғзаки муносабат, шунингдек, корхоналар ва бошланғич ташкилотлардан келиб тушган 138 та хат белгиланган тартибда қўриб чиқилиб, тегишли жавоблар берилди.

Рақамли технологиялар вазирилик ва тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгаши ҳамкорлигида корхона, ташкилот ва муассасаларда «Меҳнат шароитларини янада яхшилаш, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш ва касб касалликларининг профилактикаси бўйича тизимли чора-тадбирлар режаси» ишлаб чиқилди. Унинг бажарилиши устидан жамоатчилик назорати ва мунтазам мониторинг олиб борилди. Корхона ва ташкилотларда меҳнат муҳофазаси бўйича сайланган вакилларнинг 415 нафаридан 216 нафари ўқитилди.

Тизимли ўтказиб келинаётган «Маърифат соатлари»да қарийб 53 мингга яқин ишчи-ходим иштирок этди.

2021-2024 йиллар ёз мавсуми давомида соҳа ходимлари фарзандларининг 7552 нафари «Ўзбектелеком» АК тасарруфидаги оромгоҳларда, 2325 нафари ҳудудлардаги бошқа соғломлаштириш масканларида, 1057 нафари эса Болаларнинг дам олишлари ва соғломлаштирилишини ташкил этиш департаменти қо-

Тармоқ касаба уюшмалари «ДАРЁГА АЙЛАНДИ ПРОФСОЮЗЛАР...»

Ўзбекистон ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация ходимлари касаба уюшмасининг Х Қурултойи бўлиб ўтди.

шидаги оромгоҳларда соғломлаштирилди.

2020-2024 йилларда санаторийларда 2642 нафар киши соғломлаштирилди, улар орасида сихатгоҳларга бепул йўлланма олган 294 нафар ходим ҳам бор.

Корхона, ташкилот ва муассасалар ходимлари ҳамда уларнинг оила аъзолари учун спорт ва соғломлаштириш билан мунтазам шугулланиш имконини яратиш, маданий-маърифий йўналишда оммавий тадбирлар ўтказишга алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, мини-футбол мусобақасининг турли босқичларида соҳа корхона ва ташкилотларидан 5,5 мингдан ортиқ ходим иштирок этди.

Ёшлар ўртасида экологик маданиятни ривожлантириш мақсадида «Экотуризм» акцияси, шахмат мусобақалари, «Ўзбектелеком» АК филиаллари ҳамда ТАТУ ва унинг филиалларида киберспорт бўйича беллашувлар ўтказилди. Шунингдек, «Раҳбар ва ёшлар» учрашувлари, «Заковат», «Business Quiz» ва «UzQuiz» интеллектуал ўйинлари ташкил этилди. Ишчи касбларни оммалаштириш, иқтидорли ёш мутахассисларни қилиб ва уларнинг касбий маҳорати ҳамда билим даражасини ошириш мақсадида «Энг фаол электромонтёр» танлови ўтказилди.

«Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!» дастури доирасида 25 мингдан зиёд ишчи-ходим, уларнинг оила аъзолари, меҳнат фахрийлари ва эҳтиёжманд оилалар вакиллари тарихий шахарлар ҳамда ўз ҳудудларидаги диққатга сазовор қадимжоларга саёҳат қилдилар.

Шунингдек, хорижий ва МДҲдаги турдош касаба уюшмалари билан ҳамкорлик қўламини кенгайтириш мақсадида қўшимча чора-тадбирлар амалга оширилди. Хусусан, Россия, Қирғиз Республикаси, Молдова ва Озарбайжон алоқа ходимлари касаба уюшмалари билан меморандумлар, Беларусь алоқа ходимлари касаба уюшмаси билан шартнома, Тожикистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси ва «Қозоғистон ахборот, алоқа ва теле-



коммуникация соҳаси ходимлари касаба уюшмаси» жамоат бирлашмаси билан келишувлар имзоланди. 2022 йилдан эса UNI Global Union халқаро касаба уюшмалари ташкилотига аъзоликка қабул қилинди.

Қурултойда Рақамли технологиялар вазири Шерзод Шерматов, «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари бош муҳаррири, сенатор Хусан Эрматов ҳамда бошқа иштирокчилар сўзга чиқиб, ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирдилар. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги бош директори, сенатор Абдусaid Кўчимов дилидаги туйғуларни қуйидаги сатрлар орқали ифода этди:

...Бир дарё шарқираб кирди Ватанга, Дарёдак жўшмоқда бугун воялар.
Дарёлар кўпирди ҳар тонг ҳар жонда, Дарёга айланди профсоюзлар...

Ўзбекистон ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация ходимлари касаба уюш-

маси Республика кенгашининг ҳисобот давридаги фаолияти қониқарли деб баҳоланди.

Муқобиллик асосида яширин овоз бериш йўли билан ўтказилган сайловда кенгаш раиси ва унинг ўринбосари лавозимларига иккитадан номзод кўрсатилди. Сайлов натижаларига кўра, Асрор Эшонхўжаев навбатдаги муддатга Ўзбекистон ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси этиб қайта сайланди. Анвар Аҳмедов эса унинг ўринбосари лавозимини эгаллади.

Шунингдек, Республика кенгаши таркиби, тафтиш комиссияси аъзолари ва раиси, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг IX Қурултойига делегатлар ҳамда Бош кенгаш таркибига вакиллар ҳам сайланди.

Салим АБДУРАҲМОНОВ, Эъзоза УМУРЗОҚОВА (фото), «Ishonch» мухбирлари

ЭРИШИЛГАН НАТИЖАЛАР ВА КЕЛГУСИ РЕЖАЛАР

Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касабаси уюшмасининг II Қурултойида ана шулар ҳақида сўз борди.



Янги Ўзбекистон касаба уюшмалари «Эл азиз, инсон азиз» деган олижаноб ғояни юртимиздаги ҳар бир корхона ва ташкилотда қарор топтириш, меҳнатни фаровонлик ва бахт манбаига айлантиришни ўз олдига мақсад қилиб олган. Бугун ҳар бир тармоқ ана шу эзгу ниятни рўёбга чиқариш йўлида қатъият билан ҳаракат қилмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши ҳам мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларга ўз йўналиши доирасида муносиб ҳисса қўлиб келмоқда. Бунини ҳисобот даврида қўлга киритилган натижалар қўламли ҳам тасдиқлайди.

Хусусан, Қурултойда таъкидланганидек, сўнгги йилларда Президентимиз ташаббуси билан таълим тизимини ривожлантириш давлатимизнинг энг устувор вазифасига айланди. Бу йўналишда, аввало, ҳуқуқий база яратилди: «Таълим тўғрисида»ги, «Педагогининг мақоми тўғрисида»ги қонунлар, шунингдек, ўнлаб фармон ва қарорлар қабул қилинди. Ушбу ҳужжатлар таълим сифатини ошириш би-

лан бир қаторда, педагог касбининг жамиятдаги ўрни ва маъқеини мустаҳкамлашга ҳам хизмат қилмоқда.

Олиб борилаётган ислохотлар натижасида мактабгача таълим муассасалари сони ортиб, мактабгача таълим қамрови 76 фоизга етди. Шунингдек, Президент, ижод ва иختисослаштирилган мактаблар ташкил этилди. Хусусий ва хорижий олий таълим муассасалари ҳам самарали фаолият юритиб келмоқда.

Бир сўз билан айтганда, педагог кадрларга бўлган эътибор йил сайин қучайиб, илм-фан муассасаларининг моддий-техник базаси янгиланмоқда, кадрлар салоҳияти мустаҳкамланмоқда.

Соҳа ходимларининг машаққатли меҳнатини муносиб қадрлаш, уларни рағбатлантириш ва ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш эса Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг энг устувор вазифаларидан биридир.

– Тараққиётимиз дастури бўлмиш «Ўзбекистон – 2030» стратегиясида таълим тизимини янада ривожлантириш бўйича янги мақсад ва режалар белгиланган, – деди кенгаш раиси Рав-



шан Бедиллов. – Мана шундай шарофли вазифани адо этишда устоз ва мураббийларга ҳар томонлама ёрдам ва қўмак бериш касаба уюшмаларининг бурчи ҳисобланади. Кенгашимиз Мактабгача ва мактаб таълими ҳамда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирликлари билан имзоланган тармоқ келишувлари асосида ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ва меҳнат соҳасидаги ҳуқуқ ҳамда манфаатларини ҳимоя қилиб келмоқда.

Таъкидланишича, кенгаш ҳисобот даврида мактовга аризгулик қўллаб ишларга қўл урди. Масалан, мустақилликнинг ўттиз йиллиги муносабати билан мактабларда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси мукофоти учун республика кўрик-танлови ўтказилиб, ғолиблар муносиб тақдирланди.

Ёшларда Ватан тақдири, келажаги ва истиқболига дахлдорлик туйғусини қучайтириш мақсадида умумтаълим мактабларининг 10-11-синф ўқувчилари ўртасида «Менинг Президентим» ижодий ишлар танлови, олий таълим муассасалари талабалари ўртасида эса «Янги Ўзбекистонни ўзимиз, ўз қўл-



ларимиз билан бунёд этамиз!» шiori остида танловлар ташкил этилди. Танловнинг республика босқичи ғолибларига эгаллаган ўринларига мос равишда олий таълимга киргандан кейин 4 йиллик, 3 йиллик ёки 2 йиллик шартнома тўловлари қоплаб берилди. Грант асосида ўқишга қабул қилинганлар эса шу миқдордаги маблагни бир йўла олишди.

Ҳамкор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўтказилаётган «Беш ташаббус олимпиадаси» доирасидаги «Соғлом танда – сифатли таълим» спорт мусобақалари сўнгги уч йилда яхши анъаналарга эга бўлди. Ҳар йили ушбу мусобақаларда 250 мингга яқин таълим муассасалари ходимлари фаол иштирок этиб келмоқда.

Маълумот учун, 2021 йил 1 январь ҳолатида касаба уюшмаси бошланғич ташкилотлари сони 17328 тани ташкил этган бўлса, 2025 йил 1 январь ҳолатига ушбу кўрсаткич 18551 тага етди. Аъзолар сони эса 1466491 нафардан 1944 847 нафарга етди. Жамоа шартномаси орқали бир нафар ходимга сарфланган ўртача маблаг 2021 йилда 2,4 миллион сўм бўлган бўлса, 2025 йилда бу кўрсат-

кич 5,4 миллион сўмни ташкил этди.

Ходимлар саломатлиги самарали меҳнат гаровидир. Шунини инобатга олган ҳолда, ўтган йилларда касаба уюшмаси тизимидаги санаторийларда 109 минг нафардан ортиқ таълим соҳаси ходимининг соғлиғи тикланди. Жумладан, 13 минг нафар педагог бепул соғломлаштирилди. Шу давр мобайнида 120 мингга яқин мактабгача, умумтаълим, касб-ҳунар ва олий таълим муассасалари ходимларининг Бухоро, Самарқанд, Хива, Шахрисабз ҳамда Тошкент шаҳрига саёҳатлари ташкил этилди.

Ходимларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш мақсадида иш берувчиларга киритилган 95 та тақдимнома ижобий ҳал этилди. Ижтимоий-меҳнат муносабатларига оид масалалар юзасидан 101 марта тушунтириш берилди, қонунчиликни такомиллаштириш бўйича 38 та тақлиф ишлаб чиқилди. Шунингдек, ҳуқуқий маданиятни ошириш мақсадида 102 та давра суҳбати ва семинарлар ўтказилди. 366 та ҳужжат ҳуқуқий экспертизадан ўтказилди, судларга киритилган 24 та даъво аризаси қаноатлантирилди.

Натижада 3552 нафар ходимнинг ҳуқуқлари тикланиб, оғир фойдасига жами 2,4 миллиард сўм иш ҳақи ва бошқа тўловлар ундириб берилди.

Аъзолар учун маданий-маърифий ва спорт тадбирларини ташкил этиш фаолиятининг ажралмас қисмига айланди. Касаба уюшмаси фаолиятидаги ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларнинг аҳамияти ва мазмун-моҳиятини кенгроқ тушунтириш, шунингдек, фаол аъзоларни рағбатлантириш мақсадида «Заковат» интеллектуал ўйинлари ташкил этилди. Илм-фан соҳасидаги иқтидорли ва истеъдодли ёш олимларнинг илмий-тадқиқот ишлари ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш мақсадида эса Ўзбекистон Фанлар академияси тизимидаги илмий-тадқиқот муассасалари ёш олимлари ўртасида «Энг фаол ёш олим» кўрик-танлови ўтказилди.

Касаба уюшмаси ва таълим соҳасида узоқ йил самарали меҳнат қилган устозларнинг тажрибасини ўрганиш мақсадида ҳар бир ҳудудда «Ўз касбининг фидойилари», «Ўч авлод учрашуви», «Фахрийлар – касаба уюшмаси эъзозиди» каби устоз-шогирд анъанаси давомчилари билан учрашувлар ташкил этилди.

Қурултойда тармоқ касаба уюшмаларининг барча йўналишлардаги фаолияти, қўлга киритилган муҳим натижалар, шу билан бирга, мавжуд муаммолар ва йўл қўйилган камчиликлар ҳам чуқур таҳлил қилинди. Келгуси фаолият учун устувор вазифалар белгиланган бўлди. Сўзга чиққанлар эришилган ютуқларни алоҳида таъкидлаб ўтдилар. Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг ҳисобот давридаги фаолияти қониқарли деб баҳоланди.

Шундан сўнг кун тартибидagi ташкилий масала кўриб чиқилди. Муқобиллик асосида яширин овоз бериш йўли билан ўтказилган сайлов натижасида Равшан Бедиллов навбатдаги муддатга кенгаш раиси этиб сайланди. Маҳмуд Бобоев ва Шавкат Жавлонов эса кенгаш раиси ўринбосарлари лавозимларига сайландилар. Шунингдек, Республика кенгаши ва Ижроия қўмитаси таркиби, тафтиш комиссияси аъзолари ва раиси, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг IX Қурултойига делегатлар ҳамда Бош кенгаш таркибига вакиллар ҳам сайлаб олинди.

Ғулмжон МИРАҲМЕДОВ, Қувончбек ТЎРАЕВ (фото), «Ishonch» мухбирлари

МАҚСАД – ҲИМОЯ ВА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ

Қурултойлари ўз ниҳоясига етди

Маълумки, қишлоқ ҳўжалиги мамлакатимиз иқтисодиёти-нинг энг муҳим ва стратегик тармоқларидан бири ҳисобла-нади.

Қурултойда таъкидланганидек, сўнгги йилларда давлати-миз раҳбари Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан мамлакатим-изда кенг қўламли ва тизимли ислохотлар амалга оширил-моқда. Натижада барча соҳаларда катта ўзгаришларга эри-шилмоқда. Жумладан, қишлоқ ҳўжалигида ҳам.

Юртимизда кечаётган изчил ислохотлар ва янгиланиш-лар жараёнида мамлакатимиздаги энг йирик жамоат таш-килоти бўлмиш касаба уюшмалари ҳам фаол иштирок этиб келмоқда.

Қурултойда дастлаб, Ўзбекистон агросаноат мажмуи хо-димлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг 2020 йил августидан 2025 йил августгача бўлган даврдаги фао-лияти якунлари ва тармоқ касаба уюшмаси ташкилотлари-нинг келгусидаги устувор вазифалари тўғрисидаги ҳисобот маъруза шаклида делегатлар ҳамда меҳмонлар эътиборига ҳавола этилди.

Кун тартибидagi биринчи масала юзасидан Ўзбекистон агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси Эшмирза Абдуалимовнинг маърузаси тинг-ланди.

Маърузада қайд этилишича, ҳисобот даврида соҳага алоқадор ҳўжалик ва ташкилотларда фаолият юритаёт-ган ишчи-ходимларни тармоқ касаба уюшмасига аъзоликка олиш, уларнинг бандлигини таъминлаш, янги иш ўринлари яратиш ва норасмий меҳнат муносабатларини камайтириш борасида иш берувчилар билан ижтимоий шериклик асо-сида бир қатор ишлар амалга оширилган.

Жумладан, 2020-2025 йиллар давомида 8 минг 309 та корхона ва ташкилотда касаба уюшмаси тузилиб, бу орқали 357 минг нафарга яқин ишчи-хoд-им ва талабалар аъзоликка қабул қилинди. Аъзолар сони 2020 йилда 1427547 нафар бўлган бўлса, 2025 йилда 1784250 нафарга етди. Бугунги кунда уларнинг 32,4 фоизини (597 минг 454 нафар) аёллар, 26,0 фоизини (462 минг 370 нафар) 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этади.

Тармоқ бўйича касаба уюшмаси хизматидаги юридик шахслар 2020 йилда 73140 та эди, жорий йилга келиб эса, уларнинг сони 91449 гага етди.

Ҳисобот даврида ходимларнинг меҳнатга оид ҳақ-ҳуқуқла-рини ҳимоя қилиш, ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бора-сида ҳам самарали ишлар амалга оширилди. Шу мақсадда барча бошланғич ташкилотлар етакчилари учун ўқув-семи-нарлар ташкил этилиб, уларга амалий-услубий ёрдамлар кўрсатилди.

Ҳисобот даврида Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси ташкилотларига жисмоний ва юридик шахслардан жами 41078 та муружаат келиб тушган. Шундан 29712 та му-рожаат қаноатлантирилган, 11080 та муружаат бўйича му-аллифларга тушунтириш берилган, 75 та муружаатда кўр-сатилган вазият ўз тасдиғини топмаган, 130 та муружаат тегишлилигига кўра бошқа органларга юборилган.

Касаба уюшмаси қўмитаси раиси шарафли мақом, шу билан бирга, катта масъулият ҳамдир. Қурултойларда сайланаётган масъуллар ўз зим-маларига юкланадиган бу залворли юкни тўла ҳис қилиши, уларнинг ортида юз минглаб иш-чи-ходимларнинг ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимояси турганини чуқур англаши зарур.

Бугунги кунда Ўзбекистон авиация ходимлари касаба уюшмаси таркибида 26 та бошланғич ташкилот фаолият юритмоқда. Умумий аъзолар сони – 18 663 нафар, шундан 16 411 нафари иш-чи-хoд-им, 1 822 нафари пенсонер ва 430 нафари талабадир.

Касаба уюшмалари Федерацияси Малака ошириш институтида бўлиб ўтган тармоқнинг IX Қурултойида навбатдаги давр учун Кенгаш раиси ва унинг ўринбосарлари сайланиши билан бир қаторда, ишчи-ходимларнинг меҳнат муҳофа-заси ва ижтимоий-ҳуқуқий ҳимояси қай даражада



таъминланаётгани ҳам таҳлил қилинди. Қурул-тойда Касаба уюшмалари Федерацияси раиси-нинг ўринбосари Бахтиёр Маҳмадалиев ва Фе-дерациянинг юридик бўлими мудри Ҳамидулла Пиримқуловлар ҳам иштирок этишди.

Дастлаб Авиация ходимлари касаба уюш-маси Республика кенгаши раиси Алишер Мул-лабеков сўзга чиқди. Таъкидлашича, ҳисобот даврида мамлакатимиз ҳаётининг барча жаб-ҳаларида бўлганидек, фуқаро авиацияси соҳа-сида ҳам катта ўзгаришлар рўй берди. Марказий Осиё давлатлари билан яхши қўшничилик ва қар-дошлик муносабатлари мустаҳкамланди, туризм соҳасида мисли кўрилмаган анигилик ва ўзгариш-лар юз берди. Бу ўзгаришлар табиий равишда авиация тармоғида ҳам ўз аксини топди.

– Биз ўз фаолиятимизда ижтимоий масала-ларни ҳал этишга устувор аҳамият қаратиб ке-ляпмиз. Иш ҳақи ва нафақаларни ўз вақтида тўлаш, ходимлар ҳамда уларнинг оила аъзо-ларини соғломлаштириш, ногиронлиги бўлган шахсларга, кам таъминланган ва ижтимоий ҳи-момга муҳтож бошқа тоифадаги ходимларга ёр-дам кўрсатиш – асосий вазифаларимиздан, – деди Алишер Муллабеков.

Ҳисобот даврида «Ўзбекистон Республикаси-

нинг фуқаро авиациясини тубдан такомиллашти-риш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент фармони эълон қилиниши муносабати билан «Uzbekistan Airports» ва «Uzbekistan Airways» АЖлар билан тармоқ келишуви имзоланди.

Бугунги кунда Ўзбекистон авиация хoд-имлари касаба уюшмаси хизматига олинган барча корхона ва ташкилотларда жамоа шартнома-лари қабул қилинган. Улар амалдаги қонунчи-лик талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган, за-рурат туғилганда, қўшимча ва ўзгартиришлар киритилмоқда.

Жумладан, ўтган давр мобайнида жамоа шарт-номаларига киритилган 80 дан ортиқ ўзгартиш ва қўшимчалар бўйича 120 та экспертиза ўтказилди. Бундан кўзланган асосий мақсад – ходимларнинг меҳнат ҳуқуқлари камситилишига йўл қўймаслик, аксинча, уларга қонунчилик доирасида қўшимча кафолат ва имтиёзлар тизимини мустаҳкамлаш, муносиб меҳнат шaroитларини яратишдан иборат.

Ҳисобот даврида Ўзбекистон касаба уюшма-лари Федерацияси бошчилигидаги касаба уюш-малари ҳўкумат билан самарали ҳамкорликни йўлга қўйиб, меҳнатга ҳақ тўлашнинг ижтимоий адолатли тизимини жорий этиш ҳамда меҳнатни нормалаш амалиётини такомиллаштиришга



Ўзбекистон агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмасининг X Қурултойида беш йиллик фаолият таҳлил этилди.



рига меҳнат ҳуқуқларини ҳимоялаш, ҳуқуқий маданиятни оши-риш, жисмоний ва юридик шахслар муружаатларини ўрганиш ҳамда таҳлил қилиш юзасидан амалий ёрдамлар кўрсатилди.

Тармоқ корхоналарида меҳнат муҳофазасига эътибор йилдан йилга кучайиб бормоқда. Агар ушбу йўналишга 2020 йилда 16 млрд. 440 млн. сўм сарфланган бўлса, 2024 йилда 22 млрд. 310 млн. сўм сарфланди. Бундан ташқари, ҳисобот даврида жойларда 214 та давра суҳ-бати, ўқув-машгулотлар ва семинарлар ўтказилди.

Ходимларга муносиб меҳнат шарoити яратилиши усти-дан тармоқ касаба уюшмасининг доимий жамоатчилик на-зоратини ташкил қилиш, ходимлар ва фаолларнинг меҳнат муҳофазаси соҳасидаги билим ва кўникмаларини янада ошириш мақсадида тизимли ишлар амалга оширилганини ҳам қайд этиш лoзим.



Қурултойда тармоқ касаба уюшмаси ташкилотларининг барча йўналишлардаги кенг қамровли фаолияти, эришилган залворли натижалар ва шу билан бирга, мавжуд муаммо-лар ҳамда йўл қўйилган камчиликлар чуқур таҳлил қилинди. Келгусидаги фаолият учун устувор йўналишлар белгилаб олинди.

Қизгин муҳокамалардан сўнг Ўзбекистон агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенга-шининг ўтган ҳисобот давридаги фаолияти қoнқарли деб топилиди. Сўзга чиққан делегатлар эришилган ютуқларни алоҳида қайд этишди.

Қурултойда кенгаш раиси ва раис ўринбосарлари муқo-биллик асосида яширин овоз бериш йўли билан сайланди. Унга кўра, Эшмирза Абдуалимов келгуси муддат учун кен-гаш раиси, Тўхта Бозоров, Эркин Байниязов ва Ҳусан Бегма-тов эса унинг ўринбосарлари лавозимларига сайланишди. Шунингдек, Қурултойда тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгаши, Ижроия қўмитаси ва Тафтиш комиссияси аъзо-лари, Тафтиш комиссияси раиси, Ўзбекистон касаба уюш-малари Федерацияси IX Қурултойига делегатлар ва Федера-ция Бош кенгашига вакиллар ҳам сайланди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон агроса-ноат мажмуи ходимлари касаба уюшмасининг X Қурултойи ҳар жиҳатдан кўтаринки, қизгин руҳда ўтди.

Алижон АБДУРАҲМОНОВ,
Мирнодир МИРАКМАЛОВ (фото),
«Ishonch» мухбирлари

КАСАБА УЮШМАСИ ҚАНЧА КУЧЛИ БЎЛСА, ИШ ЖОЙИ ШУНЧА ХАВФСИЗ БЎЛАДИ

Ўзбекистон авиация ходимлари касаба уюшмасининг IX Қурултойи ҳам қизгин кечди.

алоҳида эътибор қаратдилар. Шу мақсадда ҳуку-мат олдида тирикчилик учун зарур энг кам миқ-дор тўғрисида қонун қабул қилиш ва энг кам иш ҳақини ушбу миқдорга босқичма-босқич яқин-лаштириш масаласи қўйилди.

Қурилган чоралар натижасида «Uzbekistan Airways» ва «Uzbekistan Airports» акциядорлик жамиятларида ишловчи ходимларнинг ўртача ойлик иш ҳақи ўтган ҳисобот даврига нисбатан 2,06 баробарга ошди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонида мувофиқ «Ўзгидромет» ташкилоти ходимлари иш ҳақлари ҳам кўтарилди.

Тармоқдаги энг муҳим йўналишлардан бири – меҳнатни муҳофаза қилиш масаласи. Ушбу соҳада 25 йилдан ортиқ вақт давомида «Ка-саба уюшмаси қанчалик кучли бўлса, иш жойи шунчалик хавфсиз бўлади» шиори асосида из-чил фаолият юритилмоқда. Ҳисобот даврида меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича Республика кенгаши бош мутахассиси томонидан 95 дан ор-тиқ текширув ўтказилди. Иш берувчиларга 45 та ёзма кўрсатма ва маълумотнома берилди, уларда аниқланган 253 та қоидабузарликни бар-тараф этиш тавсия қилинди. Деярли барча ҳолат-лар бўйича камчиликлар тўлиқ бартараф этилди.

Мазкур йўналишда билим ва кўникмаларни ошириш мақсадида 10 та мавзули семинар таш-кил этилди. Уларда меҳнат муҳофазаси бўйича 400 га яқин вакил ва мутахассислар ўқитилди.

Авиация ходимлари ва уларнинг оилалари учун республиканинг тарихий шаҳарлари ва маънавий қадимжоларига экскурсиялар ташкил этилди. Ушбу саёхатлар билан умумий қиймати қарийб 500 миллион сўмга тенг хизмат кўрсати-либ, 2000 нафардан ортиқ киши қамраб олинди. Деярли барча касаба уюшмалари қўмиталари музейларга ташрифлар ва шаҳар бўйлаб экскур-сиялар уюштирди.

Спорт-соғломлаштириш ишлари ҳам фаол-лашди. Мини-футбол, шахмат, волейбол каби турли мусобақа ва спартакиадалар ўтказилиб, улар спортни оммавий тарзда ривожлантириш ҳаракатига муносиб ҳисса қўшди.

Ҳисобот даврида республика санаторийла-рида ижтимоий суғурта маблағлари ҳисобидан 443 нафар хoд-им соғломлаштирилди. Ўзбеки-стон касаба уюшмалари Федерацияси тизими-даги санаторий ва дам олиш уйларида 2784 нафар хoд-им саломатлигини тиклади. Болалар оромгоҳларида эса ходимларнинг 5512 нафар фарзанди дам олиб, соғлигини мустаҳкамлади.

Қурултойда соҳада ечимини қутаётган бошқа қатор масалалар ҳам қизгин муҳокама этилди. Якуний ҳулосага кўра, Авиация ходимлари ка-саба уюшмасининг ҳисобот давридаги фаолияти қoнқарли деб топилиди.

Шундан сўнг муқoбиллик асосида яширин овоз бериш йўли билан ўтказилган сайлов на-тижасида Алишер Муллабеков навбатдаги муддатга кенгаш раиси, Абдурахим Каримов эса унинг ўринбосари этиб сайланди. Шу би-лан бирга, Республика кенгаши, Ижроия қўми-таси ва Тафтиш комиссияси аъзолари, Тафтиш комиссияси раиси, Ўзбекистон касаба уюшма-лари Федерацияси IX Қурултойига делегатлар ва Федерация Бош кенгашига вакиллар ҳам сайланди.

Зебо НАМОЗОВА
Эъзоза УМУРЗОҚОВА (фото),
«Ishonch» мухбирлари



БЕШ ЙИЛЛИК ФАОЛИЯТ САРҲИСОБИ

«Олмалиқ кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамияти
ходимлари касабa уюшмаси Кенгашининг 2020-2025 йиллардаги
фаолияти яқунлари ва ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ
ҳамда манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги келгуси
вазифаларга бағишланган ҳисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон касабa уюшмалари Федерацияси раиси ўринбосари Қобилжон Қирғизалиев, Ўзбекистон металлургия ва машинасозлик саноати ходимлари касабa уюшмаси Республика кенгаши раиси ўринбосари Шоикром Исроиллов, ОКМК меҳнат фахрийси, Ўзбекистон Қаҳрамони Сайдали Раҳмонов, делегатлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди. Конференцияда амалдаги кенгаш раиси А.Ҳайдаров 2020-2025 йиллардаги фаолият юзасидан ҳисобот берди.

Қайд этилишича, «Олмалиқ КМК» АЖ касабa уюшмаси ҳозирги кунда 45 минг 581 нафар аъзони бирлаштиради. Шундан 37 минг 504 нафарини ишчи-ҳодим, 1 минг 96 нафарини талаба ва ўқувчи, 6 минг 981 нафарини эса нафақадаги фахрийлар ташкил этади.

«Олмалиқ КМК» АЖнинг 2023-2025 йилларга мўлжалланган жамoa шартномаси илк бор давлат тилида қабул қилинди. 2024 йилда «Ёшлик» кўнини ўзлаштириш лойиҳаси доирасида карьер, бойитиш фабрикалари, мис мажмуаси ва ўнлаб инфрақурилиш объектлари қурилиши, уларни замонавий технологиялар билан

жихозлаш ҳамда инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш ишлари давом эттирилди. Шу муносабат билан жамoa шартномасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш юзасидан 6 та қўшма қарор қабул қилинди.

Ҳисобот даврида жамoa шартномаси шартларини бахариш учун бир ҳодимга йил давомида сарфланган ўртача маблаг миқдори 2020 йилдаги 13,7 миллион сўмдан 2024 йил якунига келиб, 18,6 миллион сўмга етди.

Корхоналарда фаолият юритаётган Якка меҳнат низолари бўйича комиссиялар томонидан жами 62 та низо кўриб чиқилди. Шундан 23 та ҳолатда ходимлар фойдасига қарор чиқарилиб, иш бевуқининг интизомий жазо чораси қўллаш тўғрисидаги буйруғи бекор қилинди.

Ҳисобот даврида келиб тушган 1 минг 100 тага яқин тақдимноманинг қарийб 700 тасига касабa уюшмаси томонидан розилик берилган бўлса, 500 га яқини рад этилиб, ходимлар ўз иш жойларида қолдирилди.

Айни пайтда ОКМКнинг цех ва бўлиmlаларида 466 нафар меҳнат муҳофазаси вакили ишлаб келмоқда. Улар иш жойларида маиший шароитларни яхши-

лаш, ишчиларни махсус кийимлар ва шахсий ҳамда жамoавий ҳимоя воситалари билан таъминлаш, овқатланиш сифати, санитария ҳолати ва ишлаб чиқариш шароитларини назорат қилишга алоҳида эътибор қаратади.

Цехларда «Энг яхши ёш бойи» тувчи муҳандис, «Энг яхши ёш металлург муҳандиси», «Энг яхши қран машинисти», «Энг яхши флотатор», «Энг яхши пайвандловчи», «Энг яхши чилангар-таъмирчи» ва «Энг яхши печкачи» каби кўрик-танловлар ўтказилиб, уларнинг нуфузи ёшлар ўртасида йил сайин ортиб бормоқда.

Жамoa шартномасига мувofiқ, ОКМКда узoқ йиллар меҳнат қилиб, айни вақтда нафақада бўлган фахрийлар ҳам эътибордан четда қолмайди. Масалан, 2020 йилда 7 минг 650 нафар пенсионерга 2 млрд. 871 млн. сўм моддий ёрдам ажратилган бўлса, кейинги йилларда бу кўрсаткич мунтазам ошиб борди. Ҳисобот даврида жами 25 мингга яқин пенсионерга қарийб 21 млрд. сўм миқдоридa ёрдам кўрсатилди.

Шунингдек, «Металлург» умумий ётоқхонаси ҳузурида «Фахрийлар уйи» фойдаланишга топширилди. Комбинат тасаруфидаги 100 ўринли «Нуронийлар уйи»да эса сўнгги беш йил ичида 4,5 мингга яқин пенсионер дам олди. Уларда турли маданий-маърифий ва кўнгилочар тадбирлар ўтказилиб, ногирон фахрийларга жами 365 млн. сўмлик моддий ёрдам ажратилди.

Ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида «Энг яхши устоз ва шогирд» танловлари, «Раҳбар ва ёшлар» учрашувлари, ёшлар етакчилари ҳамда раҳбар кадрлар захираси ёшлари учун ўқув курслари ва семинар-тренинглар ўтказилди. Шунингдек, «Энг намунали ёш бошланғич ташкилот раиси», «Энг намунали ёш мутахассиси», «Энг яхши ёш раҳбар» каби танловлар ташкил этилди.

Интеллектуал салоҳиятни юксалтириш йўлида «Ёш китобхон», «Тафаккур соҳиблари», «Билимдонлар майдони» тадбирлари, шунингдек, «Зулфияxonим издошлари», «Комбинат гўзали», «Соҳибқирон издошлари» каби кўрик-танловлар ўтказилди. «Ёшлар ойлйги» эса навқиронлар учун анъанавий маданий-маърифий майдонга айланди.

Соғлом турмуш тарзини тартиб қилиш мақсадида «Ёшлар

спартакиадаси», шахмат-шашка ва велопойга, «Шунқорлар» спорт мусобақаси, «Беш ташаббус – беш имкон» шиори остида турли спорт тадбирлари ташкил этилди. Шунингдек, меҳнаткашлар фарзандлари учун «Ёзги болалар спартакиадаси» ўтказилиб, уларнинг дам олишини мазмунли ўтказишга эътибор қаратилди.

«Касаба уюшмаси – ёшларга» акцияси доирасида ОКМК касабa уюшмаси стипендияси жорий этилиб, 2020-2025 йилларда 92 нафар иқтидорли ўқувчи ва талабага жами 163 млн. 700 минг сўм миқдоридa стипендия тўлаб берилди.

2020-2024 йилларда касабa уюшмалари Федерацияси тизимидаги санаторий ва дам олиш уйларида соғломлаштириш мақсадида ишчиларга қарийб 29 миллиард сўмлик 8 мингдан ортиқ йўлланма берилди. Шу даврда қиймати 72 миллиард сўм бўлган лойиҳа асосида комбинат санаторий-профилакторийси тубдан реконструкция қилинди. Бугунги кунда 210 ўринли сикаттоҳ йилга 6 мингдан зиёд ишчи-ҳодимлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш имкониятига эга. Ҳисобот даври мобайнида бу ерда салкам 60 миллиард сўмлик 18 мингдан ортиқ йўлланма берилди.

Бундан ташқари, ОКМК тасаруфидаги «Олтин олма» пансионати, «Мовий тоғлар» ва «Автомобилист» дам олиш масканлари меҳнаткашлар ва уларнинг oilаларига самарали хизмат кўрсатиб келмоқда.

Ёзги таътил мавсумида комбинат соғломлаштириш оромгоҳлари учун 2020-2024 йилларда ишчилар фарзандларига қарийб 56 миллиард сўмлик 16 минг 779 та йўлланма ажратилди. Жорий йилда эса қиймати 15 миллиард 550 миллион сўмлик 4 212 та йўлланма тарқатилди.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар учун бепул дам олиш тадбирлари ҳам йўлга қўйилди. Хусусан, 2020 йилда «Тон» оромгоҳида уч мавсум давомида Бўка шахридаги «Меҳрибонлик» уйи тарбияланувчилари бепул соғломлаштирилди. Шу йили «Истиклол» оромгоҳи Сардоба офатида жабрланган 359 нафар болани қабул қилди. 2022 йилда эса «Гулзор» оромгоҳида Қорақалпоғистондан келган 300 нафар бола соғломлаштирилди.

Хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя қилиш – «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» АЖ касабa уюшмаси фаолиятининг устувор йўналишларидан бири. Бу йўналишдаги ишлар кенг қамровли бўлиши учун Кенгаш ва бошланғич ташкилотларда хотин-қизлар билан ишлаш комиссиялари фаолият юритмоқда.

Ҳисобот даврида «Касаба уюшмаси – хотин-қизларга» акцияси доирасида «ОКМК аёллари спартакиадаси» ва «Энг яхши касб эгаси» танловлари ўтказилди. Иқтидорли ёш аёлларни аниқлаш ва уларни раҳбарлик лавозимларига тайёрлаш мақсадида «Қизларжон» клуби ташкил этилди. Шунингдек, фарзанди икки ёшдан уч ёшгача бўлган аёлларга ижтимоий ёрдам кўрсатилди.

«Йил аёли» танлови, «Агар меҳрга ҳайкал қўйилса, у албатта аёл шаклида бўлади» мавзусидаги байрам тадбирлари, «Биз таъйик ва зўравонликка қарши» марафони ташкил этилди. Хотин-қизларнинг барқарорлигини аниқлаш мақсадида сўровномалар ўтказилди.

Конференциянинг иккинчи қисмида муқобиллик асосида «Олмалиқ КМК» АЖ ходимлари касабa уюшмаси Кенгаши раиси ва унинг ўринбосари сайланди. Натижада, Абдурашид Ҳайдаров энг кўп овоз тўплаб, қайта раис этиб сайланди. Раис ўринбосарлигига эса Омонкул Бекназаров номзоди кўпчилик овоз билан маъқулланди.

Холида ЭГАМБЕРДИЕВА «ISHONCH»

АЛЯСКАДА МУЗЛАР ЭРИЙДИМИ?

ШИМОЛ – ГЛОБАЛ СИЁСЙ
ДРАМА МАРКАЗИДА

2025 йил 15 август куни Алясканинг йирик шаҳарларидан бири – 300 минг аҳоли яшайдиган Анкориж АҚШ – Россия муносабатлари тарихида янги саҳифа очиши мумкин бўлган учрашувга мезбонлик қилади. Тўғри, учрашув бошланганда Ўзбекистон аллақачон 16 августнинг илк ярим соати янаб бўлади. Газетамиз босмахонага 15 август куни топширилиши боис мақолани келгуси замонда ёзишга қарор қилдик.

Анкориж вақти билан соат 11:30 да Элмендорф – Ричардсон ҳарбий базасида Дональд Трамп ва Владимир Путин ҳеч қандай воситачиларсиз, ортиқча иштирокчиларсиз икки томонлама музокаралар ўтказди.

Учрашув манзили стратегик жиҳатдан ўта мақбул. Аляска 1867 йилнинг охирига қадар Россия таркибида бўлгани ҳам бунга рамзий маъно юқлайди. Дарҳақиқат, Аляскада рамзлар турфа рангларда товланяпти. Дейлик, Россия ташқи ишлар вазирини Сергей Лавров Анкориждаги меҳмонхонага СССР ёзуви туширилган кийимда келди. Энди дунё матбуоти вакиллари ва сиёсий таҳлилчилар бундан ҳам рамзий маъно излашга мажбур. Арктика – АҚШ ва Россия манфаатлари кесилишадиган ҳудуд бўлгани боис Украина масаласидан ташқари Шимолий денгиз йўли, мюзёр флот, энергетика йўналишлари ва нодир металллар билан боғлиқ масалаларнинг ҳам муҳокама этилиши кутилаяпти.

Ушбу учрашув Трамп учун Европа сиёсий марказларининг таъсиридан узоқда, гувоҳларсиз суҳбатлашиш, Путин учун эса Халқаро жиноят судининг қўли етмайдиган, ҳарбий тартиб ва ўта махфий муҳитда мулоқот қилиш имконини беради.

ДИПЛОМАТИК МУҚАДДИМА

Саммитга тайёргарлик ҳафталаб давом этган махфий дипломатия орқали амалга оширилди. Дональд Трамп Европа Иттифоқи раҳбарлари ва Украина президенти Владимир Зеленский билан видеоконференция ўтказиб, музокараларга киришининг асосий шартларини эшитди. Улар қуйидаги «бешта қизил чизик»дан иборат: оташкес эълон қилиниши; ҳудудлар тақдирини муҳокамасида Украинанинг бевосита иштироки; хавфсизлик кафолатлари берилиши; Россияга нисбатан санкцияларни сақлаб қолиш; Россия эгаллаган ҳудудларни юридик жиҳатдан тан олмаслик.

«Аляскада Украина ва Европанинг тамал манфаатлари таъминланиши шарт», деди Германия федерал канцлери Фридрих Мерц.

Путин эса, ўз навбатида, Си Цзиньпин билан телефон орқали мулоқот қилиб, Пекин билан яқин иттифоқчиликни яна бир бор мустаҳкамлади. Хитойлик таҳлилчиларнинг фикрича, бу кўнйроқ ҳатто Вашингтон билан муносабатларнинг илқиллашиши эҳтимоли ҳам Пекин – Москва стратегик ҳамкорлиқга раҳна сола олмайдиган, деган мурда беради.

Шунингдек, Путин Ўзбекистон, Қозоғистон ва ҚХДР каби бир қатор давлатлар раҳбарлари билан ҳам телефон орқали суҳбатлар ўтказди.

МУДДАО НИМА?

Москва Анкорижга қўлида қатъий талаблар рўйхати билан келган: Крым, Донбасс, Запорожье ва Херсоннинг Россия таркибида эканини расман тан олиш; Украина учун НАТО эшикларини ёпиш; санкцияларни қисман бекор қилиш; ва энг муҳими – Европа хавфсизлигининг янги архитектурасини шакллантиришда расмий овоз бериш ҳуқуқини қўлга киритиш.

Трамппнинг сиёсий мантиғи эса бошқа лидерларникидан кескин фарқ қилади. Унинг учун тинчлик – дипломатия ва иқтисодий ёлтирғунлаштирган битимдир. У ўз сайловчиларига қурушларни тугатишга» қодир сиёсатчи эканини амалда кўрсатиши керак. Трамп тилида бу – сиёсий имтиёзларни иқтисодий фойдага айлантириш демак. Шу боис у сиёсий шартлар билан бир қаторда Арктикадаги қўшма лойиҳалар, Россия фуқаролик авиацияси ва энергетик ресурсларига кириш имкониятлари ҳақида ҳам тақлифлар тайёрлаган.

Музокараларга тақлиф этилмаган Европа эса ўз «қизил чизиклари»ни аллақачон АҚШ президенти хатга келтирган. Киевнинг талаби эса қатъий: триллион доллар миқдоридa компенсация; НАТО ва ЕИГА тез суръатларда аъзо бўлиш ҳамда ҳудудий ёнбосишлар эҳтимолини мутлақ истисно этиш.

МУЗОКАРАЛАРНИ ЖАНГЛАР
ХАЛ ҚИЛАДИ(МИ)?

Жанг майдонидagi воқеалар эса ўз қонунқоидалари асосида ривожланмоқда. Аляска учрашуви арасида Украина ҳарбийлари ҳужумларини қучайтирди, Россия қўшинлари эса бунга кескин зарбалар билан жавоб қайтарди. ДХРнинг

собиқ давлат хавфсизлиги вазири Андрей Пинчук шундай деди: «Тинчлик мавзуси фаоллашган сари, ҳарбий тўқнашувлар шиддат ҳам ортиб бораверади».

Ғарб журналисти Соня ван ден Энде эса янада кескинроқ фикр билдирди. Унинг таъкидлашича, Украина ҳар сафар музокаралар имконияти пайдо бўлганида, уни йўққа чиқаришга ҳаракат қилади.

Шунга қарамай, Россия қўшинларининг бир қатор йўналишлардаги муваффақиятлари Москвага музокараларда стратегик устуңлик бериши мумкин.

ҲАЁТ-МАМОТ МАСАЛАСИ

Украина масаласида ҳозир икки қарама-қарши блок фаолияти кўзга яққол ташланаяпти.

Биринчиси – Москва ҳамда Вашингтондаги прагматик доиралар. Улар Анкориж саммитини эскалация хавфини камайтириш ва иқтисодий ҳамкорликни йўлга қўйиш учун муҳим имконият сифатида кўради. Масалан, профессор Джеффри Саксинг «Путин билан мулоқотни йўлга қўйиш ва русофобияни тўхтатиш» ҳақидаги фикрлари айнан шу позицияни ифода этади.

Иккинчиси – АҚШ, Буюк Британия, Польша ва Киевдаги ҳарбий йўналиш тарафдорлари. Улар Россия билан келишувни на сиёсий ва на ахлоқий жиҳатдан қабул қилишга тайёрлар. Уларнинг фикрича, бу тажовузкор давлатга берилаётган имтиёздан бошқа нарса эмас. Киев эса ҳудудий ёнбосишлар мағлубият сифатида баҳоланиши ва бу бутун мамлакатда ғалаёнларга олиб келиши мумкинлигидан хавотирда.

АНКОРИЖ УЧРАШУВИДАН СЎНГ...

Анкориждаги учрашудан сўнг қуйидаги тўрт тахминдан бири амалга ошиши мумкин.

Биринчиси – уруш музлатилади. Бунда тўқнашув чизигидан чегара тортилади, тўплар овози тинади. Бу қўшинларга тин олиш имконини беради, қочқинларнинг бир қисми ватанига қайтади, савдо ва тикланиш учун шарт-шароит яратди. Бирок Қорея яриморали тажрибаси шунини кўрсатадики, музлатилган низолар ўз-ўзидан йўқолиб кетмайди. Бир кун келиб, ана аланга олади.

Иккинчиси – алмашув йўли. Россия қўлга киритган ҳудудларнинг бир қисмини сақлаб қолади, Украина эса бошқа ерларни ва эҳтимом, АҚШ ҳамда Европада хавфсизлик кафолатларини олади. Қоғозда бу келишувдек қўриниши мумкин, аммо амалда – сиёсий минадан бошқа нарса эмас. Бундай тинчлик нозик чиннидек – ҳар қандай қалтис қадам уни парчалаб ташлайди.

Учинчиси – сукут йўли. Етакчилар бир-бирига қўл беради, умидбахш баёнотлар янграйди, аммо ҳеч қандай ижобий ўзгариш юз бермайди. Уруш давом этаверади. Дунёдаги кескинлик қучаяди. Урушнинг бошқа ҳудудларга қўчиб ўтиш хавфи ортади.

Тўртинчиси – туб бурилиш йўли. Анкориж саммитида ҳеч қандай ҳужжат имзоланмаслиги айтилаётган бўлса-да, келгуси музокаралару келишувларнинг пойдеворига тамал тоши қўяди. Шубҳасиз, бу йўл дунёдаги қучлар мувозанатини тубдан ўзгартириб, Москва – Пекин ўқини заифлаштириш ва АҚШга Хитойни тийиш имконини бериши мумкин. Бирок бу сценарий Вашингтондаги конгрессменлардан тортиб, Киев ва Варшавадаги уруш лочинларига маъқул келмайди.

Путин ва Трамп уларнинг қай бирини танлаши номаълум. Бирок бир нарса аниқ: учрашув қандай натижа билан якунланмасин, нафақат Украина харитасини, балки бутун дунё сиёсатини ўзгартириб юборади. Шу боис Анкорижда фақат уруш тақдир эмас, балки яқин ўн йилликлардаги жаҳон манзараси ҳал этилади.

Нима бўлган тақдирда ҳам, Анкориж музокаралари жаҳон геосиёсатига жиддий таъсир кўрсатиш турган гап. Ҳар бир эҳтимолий сценарийнинг ўзига яраша оқибатлари бор.

Трамп учун бу учрашув – глобал дипломатия сахнасидаги обрўсини ошириш нўқтаи назаридан ўта муҳим тадбир. Зеро, Трамп ҳозирча йил бошидаги инаугурация чоғида берган ваддаларининг аксариятини бажара олгани йўқ. Қолаверса, у тинчлик бўйича Нобель мукофотидан умидвор. Путин учун эса бу Россиянинг стратегик тенглицини амалий жиҳатдан исботлаш имконини беради.

Бирок халқаро қузатувчилар таъкидлаганидек, «бу жараёнда мутлақ ғолиб йўқ, фақат ўзарo ўйқотишлар ва ютуқлар ўртасидаги мувозанатни топшиш мумкин».

Хуллас, АҚШ – Россия ўртасидаги бу учрашув дунёни ё ҳамкорлик ва ишончли асосланган янги соҳилларга, ё охири йўқ қарама-қаршилиқ ва урушлар гирдобига етаклайди. Учрашувнинг ҳақиқий аҳамияти эса ундан кейинги геосиёсий қадамларда намоён бўлади.

Жаҳонгир НАҲАНОВ
«ISHONCH»



MUASSIS:



2007-yil 11-yanvarda
O'zbekiston Matbuot
va axborot agentligida
116-raqam bilan
ro'yxatga olingan.



«Ishonch» va «Ishonch-Доверие»
gazetalari tahrir hay'ati:

Qudratilla RAFIQOV
(tahrir hay'ati raisi),

Ulug'bek JALMENOVI, Anvar ABDUMUXTOROV,
Sayfulla AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDLOV,
Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shogosim SHOISLOMOV,
Hamidulla PIRIMQULOV, Nodira G'OYIBNAZAROVA,
Anvar QULMURODOV (Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari),
Mehridin SHUKUROV (Mas'ul kotib – «Ishonch»),
Valentina MARSENYAK (Mas'ul kotib – «Ishonch-Доверие»)

Bosh muharrir
Husan ERMATOV

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart.
Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Bo'limlar:

Kasaba uyushmalari hayoti – (71) 256-64-69
Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43
Marketing va obuna – (71) 256-87-73

Hududlardagi muxbirlar:

Qoraqalpog'iston Respublikasi – (+998-99) 889-98-20
Andijon viloyati – (+998-99) 889-90-23
Buxoro viloyati – (+998-99) 889-90-31
Navoiy viloyati – (+998-99) 500-05-12
Jizzax viloyati – (+998-99) 889-90-34
Namangan viloyati – (+998-93) 213-09-66
Samarqand viloyati – (+998-99) 889-90-26
Sirdaryo viloyati – (+998-99) 889-98-55
Surxondaryo viloyati – (+998-99) 379-19-70
Toshkent viloyati – (+998-99) 600-40-44
Farg'ona viloyati – (+998-99) 889-90-24
Xorazm viloyati – (+998-99) 889-98-01
Qashqadaryo viloyati – (+998-97) 705-08-93

Мароқли
дам олинг,
азиз газетхон!



Ахрор Усмонов
ижросида

УШШОҚ
Навоий газали

Қаро қўзум, келу мардумилуг
эмди фан қилгил,
Кўзум қаросида мардум
киби ватан қилгил.

Navbatchi muharrir: Gulrubbegim ODASHBOYEVA	Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy. E-mail: ishonch 1991@yandex.uz	Umumiy adadi 32 076 ta Shundan: 6 079 nusxasi «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasi – Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uyda; 18 116 nusxasi «Erudit» MCHJ boshmaxonasi – Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uyda; 7 881 nusxasi «Poligraf-Press» MCHJ boshmaxonasi – Marg'ilon shahri, Turkiston ko'chasi, 236-«b» uyda chop etildi. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma tabloid. Buyurtma 462 1 2 3 4 5 6
Musahhihlar: Dilorom XUDOYBERGANOVA, Umida XUDOYBERGANOVA	Sahifalovchi: Hasan ABDUJALILOV	
Bosishga topshirish vaqti – 01:10 Topshirildi – 01:30	Bahosi kelishilgan narxda	
Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teritildi va sahifalandi.	Gazetaning poligrafik jihatdan sifatli chop etilishiga bosmaxona mas'ul. Gazetaning yetkazib berilishi uchun obunani rasmiylashtirgan tashkilot javobgar.	